



## О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

2022 йил «10» февраль

37-11-0-F/22

Фарғона вилояти ҳокимлиги

**Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28, 126-моддаларига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тублан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Қосимовнинг билдиришномасини инobatга олиб,**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сонли қарорининг 17-бандида маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Ёшлар етакчиларини «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига уланган, масофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видеоконференцалоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи планшетлар билан таъминлаш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда янги ташкил 1055 нафар ёшлар етакчилари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларга ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тегишли вазирликларнинг қўшма келишувига асосан тасдиқланган параметрларга эга бўлган замонавий планшетлар билан таъминлаш харажатлари учун вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил бошига шакланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан 3 914 050,0 (уч миллиард тўққиз юз ўн тўрт миллион эллик) минг сўм маблағ иловага мувофиқ шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ўтказиб берилсин.

3. Барча шаҳар ва туманлар ҳокимлари Ёшлар ишлари Агентлигининг шаҳар ва туманлар бўлимлари билан биргаликда:

ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва уни белгиланган тартибда тегишли вазирликларнинг қўшма келишувига асосан тасдиқланган параметрларга эга бўлган замонавий планшетлар сотиб олиш харажатлари учун мақсадли йўналтирилишини таъминлаш;

молиялаштириш манбасини очиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни молия ва ғазначилик бўлимларига тақдим этилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (М.Ғаниев), вилоят ҳокимлиги хузуридаги “Электрон ҳокимиятни ривожлантириш маркази” (С.Махмудов), вилоят ғазначилик бошқармаси (А.Ғойипов) билан биргаликда ёшлар етакчилари учун белгиланган параметрларга эга бўлган замонавий планшетларни ўз вақтида харид қилинишида ҳамда сотиб олинган планшетларга тегишли дастурий иловаларни ўрнатилишида яқиндан амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев)га ажратилган маблағларни белгиланган тартибда иловага мувофиқ ажратилган маблағларни шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ўтказиб бериш, вилоят ғазначилик бошқармаси (А.Ғойипов)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси (С.Жўраев)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

6. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Қосимов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров